




Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

Тошкент —
Бекобод йўли
бўйлаб борар
экансиз, қатор
тизилиб турган
симёғочларда
лайлаклар бир
текис, батартиб ин
қурганини кўрасиз.
Кўриб завқингиз
келади, қойил
қоласиз,
фахрланасиз.
Чунки лайлаклар
тинч ва осойишта
элни ошиён тутди.



ФАРОВОНЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУСЛАРДАН ОДАМЛАР МАМНУН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бекобод шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф режасига «Металлург» маданият саройида виллоят ва шаҳар фаоллари билан учрашиш киритилган. Йилги бошланмасидан аввал бекободлик фермерлардан бири қизиқ бир воқеани сўзлаб берди.

Назаримизда, асосий мавзудан биров чекингандекмиз. Келинг, дастлаб шаҳар аҳолисининг Президентимиз ташрифидан кейинги таассуротлари, қалб кечинмалари билан ўртоқлашиб, фермернинг ҳикоясини кейин давом эттирсак.

Бекобод Олмалик шаҳри билан мусобақалашади

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қайси виллоят ё туманига бормасин, одамларни ўйлантираётган муаммолар, уларнинг орзу-умидлари, дарду ташвишлари билан қизиқади, аҳоли бандлиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ёшлар учун яратилган шароитлар каби муҳим ҳаётий масалаларни ўртага ташлайди, ҳудуд ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўли ҳақида фикр алмашади.

Бекобод шаҳрида ҳам шундай бўлди.

Ўзбекистон металлургия комбинатида бир гуруҳ ёшлар, ишчи-муҳандислар билан суҳбат чоғида Президентимиз корхона фаолияти, ишчиларга яратилган шароитлар билан қизиқди.

Сир эмас, аксарият бекободликлар ҳаёти айнан шу корхона билан боғлиқ. Ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандлари таълим-тарбиясига қулай шарт-шароит яратиш масалалари доимо долларб бўлиб келган. Давлатимиз раҳбари шаҳар аҳолисининг ҳаётини енгилаштириш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурди.

Бекобод шаҳри билан пойтахтимиз ўртасида электричка қатнови йўлга қўйилди, ишчи-хизматчилар учун арзон уй-жойлар, уларнинг атрофида ижтимоий-инфраструктура объектлари барпо этилди. Бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида шаҳарда янги массив қад ростланди. Давлатимиз раҳбари яхши ниятлар билан ушбу массивга «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви», деб ном беришни таклиф этди. Аҳолига қулай турмуш шароити яратиш бўйича Бекобод ва Олмалик шаҳарлари ўзаро мусобақалашади. Кўрдингизми, биргина йилгилашда шундай тақлиф ва ташаббус. Барчаси долларб. Одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга қаратилган.

Президентимиз билдирган бу ташаббуслар нафақат Бекобод, балки бутун мамлакатимиз ҳаётига, халқимизнинг муносиб турмуш кечирishiга дахлдор масалалар бўлиб, барчаннинг кўнгилни тоғдек кўтариб юборди.

— Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун ҳар йили 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилишини эшитиб, руҳланиб кетдим, — дейди Наимжон Жўраев. — 18 ёшимдан буён Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлайман. 3 фарзандим бор. Турмуш ўртоғим шаҳар шифохонасида ишлайди.

Рўзгордан орттириб, уй олишга маблағ жамғара олмаётган эдик. Президентимизнинг ишчилар учун кўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатма бергани оиламиз учун муҳим янгилик бўлди.

— Пойтахтимиздан Бекободга электричка қатнови йўлга қўйилишини эшитган бир гуруҳ маҳалладошлар куллуқ бўлсинга келди, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Сувонов. — Биласиз, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги юмуш билан пойтахтга машина ёки автобусда қатнайди. Қанча яхши бўлмасин,

хушхабар бўлди! Иситиш қозонлари лизинг асосида берилиши эса аҳоли учун янада катта қулайлик яратди.

— Корхонамиз бундан уч йил олдин «Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига ташкил этилган, — дейди «Ariston thermo — UTG» қўшма корхонаси директори ўринбосари Нодир Хўжаев. — Барча виллоятларда техник хизмат кўрсатиш марказларимиз бор. Бекобод шаҳридаги кўп қаватли уйларга ўрнатиладиган қозонхоналар учун маблағ тез кунда ажратилдиган бўлди. Шаҳардаги уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, иссиқлик таъми-

етишмаслиги боис кўпчилик ота-оналар фарзандини боғчага беролмасди. Давлатимиз раҳбари шу масалага ечим топиб бергани кўнглимиздаги гап бўлди. Фарзандларимиз замонавий боғчаларда, ҳеч қандай кам бўлмаган шароитларда камол топишдан кўнглимиз тўқ.

Эзгулик уруғи

«Шудринг» болалар боғчасининг шундоққина ёнидаги уй тўсатдан мотам либосини кийди. Хонадон соҳиби Мухтор Миркомилоннинг турмуш ўртоғи бевақт вафот этди. Икки гўдаги етим қолди...

Президентимиз марҳуманинг яқинларидан кўнгли сўради, чуқур ҳамдардлик билдирди. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага ёрдам кўрсатиш бўйича топшириқ берди.

Марҳуманинг волидаси Насиба Содикова кўзларида ёш билан кечинмаларини баён этди:

— Ҳеч қим фарзанд доғини кўрмасин экан. Инсон бошига оғир мусибат тушганида яқинларининг далдасига муҳтож бўлади. Худонинг ишлари қизик. Қаранг, Президентимиз мусибатли кўнгимда ёнимда бўлди. Рост, бундан бироз афсусдаман. Чунки бутун мамлакат тақдирини зиммасида бўлган давлат раҳбарининг шусиз ҳам ташвиши қўп-да... Бугун Президентимизнинг меҳрини ҳис қилдик. Умрлари зиёда бўлсин!

...Энди халғи фермер сўзлаб берган воқеага қайтсак.

— Даладан қайтаётган эдим, — дейди фермер. — Кўпилмаганда каттагина бир лайлак 5 метрлар чамаси баландликдаги уясида тушиб кетди. Юғуриб бордим. Беҳол, томоғи тўпдек шишиб кетган. Кўтариб, уйга олиб кетдим. Даволаб, парваришладим, тузалган, қўйиб юбордим. Лайлак аста парвоз қилиб уясига қўтарилди. Мен унга узок термудим. У ҳам негадир узок кетгиси йўқдек. Мени таниб олган шеклилли, ҳар куни даладан қайтишимни кузатиб туради...

— Қойил-э! — ҳайратимизни яширолмай дехқоннинг гапини бўлди. — Болалигимда буюм инсондан яхшилиқ кўрган лайлак унга олтин тарвуз уруғини ташлаб кетгани ҳақидаги эртани хикоя қилиб берарди. Сизнинг лайлагингиз ҳам бирор нима атагандир...

Бу ҳазилимиздан суҳбатдошимизнинг қозлари янада ёришиб кетди: — Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик, дастурхонимиз тўқинлиги, фарзандларимизнинг ҳеч қандай кам бўлмай камол топаётгани, Президентимиз эл-юрт манфаати йўлида амалга ошираётган эзгу ишлар... Энди айтинг-чи, булар қайси олтин тарвузнинг уруғидан кам?

...Оддий дехқоннинг бу жайдари фалсафасида теран маъно, ҳаёт ҳақиқати мўжассам. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсат юрдошларимиз онгу ва тафаккурини тубдан ўзгартириб юбораётганининг далили шу эмасми?

Бекзод ХИДОЯТОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2017 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага — 2017 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

АХИЛЛИГИМИЗ ВА БИРДАМЛИГИМИЗ НАМОЙИШИ

19-20 август кунлари мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, энг улуг, энг азиз айём — Истиқлол байрамини юксак савияда нишонлаш учун қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида пухта тарадуд қўрилаётган бу йилги қўтлуг сана арафасида барча юрдошларимиз мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаётни, мусаффо осмонимизни, кўп миллатли халқимизнинг аҳил ва тотувлиги, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, эъзо ва ҳурмат, саховат муҳити энг катта бойлик эканини янада теран ҳис этмоқда.

Халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги умумхалқ хайрия ҳашари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида жорий йил август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари, 19-20 август кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари куни, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон меҳнатсеварлик, аҳиллик, ҳамжихатлик рамзига айланган ушбу хашар юртимизнинг барча ҳудудларида, энг чекка қишлоқ ва овулларда, маҳалла-ларда уюшқоқлик билан ўтказилди. Унда 18 миллион 675 мингдан зиёд юрдошимиз фаол қатнашди. Уларнинг 12 миллион 424 минг нафардан ортиги ёшлар экани янада эътиборлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувида умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.

Н.УСМОНОВА,
Ўза мухбири.



ҲАШАР — ҚАДРИЯТ ДЕМАК

Жорий йилнинг август ойи Ўзбекистонда ободонлаштириш ва тозалаш ойлиги ҳамда 19-20 август умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди.

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллик тантаналарига тарадуд қўриш жараёнида азалий қадриятимиз — ҳашарнинг қизгин шуқуҳи бутун мамлакатимизда ҳукмрон.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги

Гулрух ТОШМАТОВА,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши масъул ходими.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА КИМ ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?

Партия гуруҳлари электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини оқлашда, дастурий мақсадларимизни амалга оширишда асосий куч ҳисобланади. Айниқса, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бугунги босқичида улар зиммасига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият юкланмоқда. Аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларни бартараф этишда ижро ҳокимияти органи вакиллари билан бир қаторда депутатлар ҳам қўлни-қўлга бериб уюшқоқлик билан ҳаракат қилиши талаб этилади. Аввало, давлат ҳокимиятининг сайланадиган вакиллик органи ишида фаол иштирок этиш, сайловчилар иссиқ-соғуғидан мунтазам хабардор бўлиш, электрорат манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ижросига самарали таъсир кўрсатиш муҳим масалалар.

Маълумки, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессиясида ҳам бунга алоҳида эътибор берилган эди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессияда сиёсий партиялар ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги айтиб ўтилди. Депутатлар ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ваколат ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётганига эътибор қаратилди. Уларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, аҳоли билан доимий мулоқот ҳамда таъсирчан депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш муҳим масала экани таъкидланди.

— Ўтган йиллар мобайнида фаолиятимизда тузукроқ ўзгариш бўлмаганини тан олишимиз керак, — дейди «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Райхон Раҳимова.



Фирдавс ШАРИПОВ олган сурат.

— Сиёсий партиялар ўз электроратига берган ваъдалари ва Сайловолди дастурларини тўлиқ бажараяпти, деб айтолмаймиз. Депутатлар ва фаолларда ташаббускорлик етишмапти. Аниқ тақлиф ва шахсий ташаббуслар йўқ. Аҳолини кўпроқ бандлиқни таъминлаш, янги иш жойлари ташкил қилиш, банк-молия, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги камчиликлар кийнапти. Кишлоққа саноатни олиб кириш, йўл-коммуникация, ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа долзарб масалаларга ечим топиш устуворлик касб этади. Жамоатчилик қабулхоналари электроратимиз вакилларининг ҳақиқий таянч ва сўянчига айланмаган. Кўча жамоатчилиги қабуллари ташкил қилиш ишлари суст.

Бундай камчиликларни бартараф этиш учун қатъият ва ташаббускорлик талаб этилади. Бугунги депутат кенгаши кайфияти билан ишласа, одамлар орасидаги обрўси йўқолади. Демак, фаолиятимизга бугуннинг талаби билан назар ташлашимиз, замон тақозо қилаётган вазифаларни бажаришга жон-дилимиз билан киришимиз керак.

Хўш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари бу борада қандай

чора-тадбирлар кўрапти? Афсуски, мақтовга арзигулик амалий ишларимиз йўқ.

Вилоят Кенгаши сессиясида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга молик давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, бунинг учун Кенгаш сессияларида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини мунтазам эшитиб бориш бўйича вазифалар белгиланди.

— Депутатлик сўровига ёндашувни тубдан ўзгартириш ва бу борада янгича усуллардан фойдаланиш устувор вазифа қилиб белгиланди, — дейди **ЎзДХП Олтинсой туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Рўзбой Лапасов**. — Аммо айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу муҳим масалага бефарқ ва лоқайд қараб келмоқда. Депутатлик сўровларига белгиланган муддатда жавоб бермагани учун Шўрчи туман ички

ишлар бўлими бошлиғи Д.Кенжаев, Жаркўрган туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Қ.Сафаров, Шўрчи тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи У.Юлдошев, Жаркўрган тумани маданият ишлари бўлими бошлиғи Ж.Эшмуродовга интизомий жазо чоралари белгиланди. Шунингдек, депутатларнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқи бузилишига йўл қўйгани учун Ўзун тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи С.Мирзаевага нисбатан интизомий жазо кўриладиган бўлди.

— Маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Баҳодир Тоғаев**. — Жумладан, жойларда аҳолини кийнаётган муҳим ижтимоий масалаларни ечишда сусткашликка йўл қўйилмаётгани, бунинг натижасида жойида ечилиши мумкин бўлган айрим муаммоларнинг республика миқёсига чиқарилиши, парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг халқимизга етиб бормаслиги, депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотла-

ри самарали эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни атрофича ўрганиш билан бир қаторда, уларни бартараф қилиш чораларини кўришимиз керак. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш диққат-марказимизда туриши керак. Мониторинг ишларини яхшиласак, жамоатчилик назорати янада кучаяди.

— Афсуски, Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва мақсадларимиз кўп ҳолларда фақатгина қоғозда қолиб кетди, — дейди **ЎзДХП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Чори Жумакулов**. — Шу кунга қадар бажарган ишларимизни сарҳисоб қилсак, сайловчилар олдида берган ваъдаларимизни самарали бажара олмаганимиз кўзга ташланади. Чунки аксарият ҳолларда назорат тадбирлари расмийлик учун ўтказилган. Бундан тўғри хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Жорий йилнинг ўтган даврида Денов, Сарисий, Жаркўрган туманлари ҳамда Термиз шаҳар Кенгашларидаги партия-миз гуруҳлари томонидан электрорат вакилларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижалар қўлга киритилган бўлса-да, Ангор, Бойсун, Музработ ва Шеробод туманларидаги депутатларимиз фаолиятида сусткашликлар кўзга ташланаяпти. Сайловчилар билан учрашиш ва халқимизни кийнаётган масалаларни ўрганишда депутатларда ташаббус ва фидойилик етишмаяпти. Бефарқлик ва ўзибўларчилик ҳолатлари кузатилаётгани ҳам аниқ ҳақиқат. Масъулият ҳиссини ошириш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсагина кўзланган мақсадга эришамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан

ТАРҒИБОТ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб Қуйи Чирчиқ ва Окқўрган туманларида ўтказган тадбирларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, иқтисодчи ва сиёсатчи олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков мустақиллиқнинг мамлакат тараққиётидаги тарихий аҳамияти хусусида сўз юритди.

— Барчангизга маълум биз ҳар тарафда ахборот хуруж авж олган мураккаб даврда яшаймиз, — деди у. — Бу эса атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолаш, уларга зийраклик билан ёндашишни талаб этади. Аввало, тинчлик ва оқилолликнинг қадрига етиш, фарзандларимизга унинг мазмун-моҳиятини тушуниришимиз зарур. Барча соҳадаги ютуқлар негизда юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби олижаноб қасблар муассас эканини ҳамisha ўғил-қизларимизга ўқитиб боришимиз лозим.

— Тўғри, бугун макташимизга, гуруҳларимизга асос бўлган воқеликларнинг кети узилмапти. Аммо биз уларнинг иштирокчиси бўла олдикми? Ватанимизнинг шу қадар гуллаб-яшнашида қай даражада хисса қўшяпмиз, деган саволлар устида ҳам бош қотиришимиз керак, — деди **Тошкент давлат иқтисодий университетини ўқитувчиси Рустам Ҳасанов**. — Бунинг учун ҳар

биримиз аввало ўз касбимизга садоқат ва фидойилик билан ёндашсак, тўғри бўлади. Қачонки, хотиржамликка берилиб, қилган ишимиздан мамнун бўлсак, лоқайдлик кайфияти шаклланади. Шунинг учун аҳоли вакиллари, айниқса, ёшлар билан кўпроқ мулоқотлар ўтказиш, уларнинг қизиқишларини ўрганиш биз — педагоглар, партия фаоллари, депутатларнинг устувор вазифамиз саналади.

— Мустақиллик бу улғу сўз, улғу нёъмат, — деди **ЎзДХП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шерали Кутлимуродов**. — Бу ҳақда юзаки гапириб, расмийчилик учун тадбир ўтказиб бўлмайди. Шу боис энг улғу, энг азиз айёмга муносоиб тайёрларлик кўриш барча даражадаги депутатлар, партияимиз фаолларидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тарғибот тадбирларини юқори савияда ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Худди шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

Зилола АНВАРОВА



Санаир ШОТУЛАНОВ олган сурат.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

«Тараққиёт стратегияси» марказида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи ва хорижий тажрибани ўрганиш бўйича эксперт гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партия дастурини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи, хорижий тажрибани ўрганиш бўйича эксперт гуруҳи ҳамда Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, «Тараққиёт стратегияси» маркази вакиллари, партия марказий кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппарати ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июль кuni Олий Махлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида сўзлаган маърузасида

белгиланган устувор вазифалар сиёсий партиялар тараққиётига хизмат қилишини таъкидлади.

Маърузада Халқ демократик партияси фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, хусусан, партия сайловолди дастурида пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган аҳоли қатламлари манфаатини ҳимоя қилиш ғоялари илгари сурилгани, аммо бу борада амалий ҳаракатлар кўзга ташланмаётгани асосли танқид қилинди. Бундан хулоса чиқарган ҳолда, ХДП фаолияти қайта кўриб чиқилиб, партия дастурини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилган. Улар пенсионерлар ҳаёт даражасини янада яхшилаш, мавжуд муаммо-камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш билан шуғулланмоқда.

М.ҚОСИМОВА, ЎЗА мухбири.

Матбуот анжумани

Парламент Қонунчилик палатасида Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия матбуот анжумани ўтказди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДА ЎЗГАРИШЛАР БОРМИ?

Тадбирда қуйи палата депутатлари оммавий ахборот воситалари вакилларига комиссиянинг фаолияти хусусида батафсил маълумот беришди. Таъкидландики, бугунги кунга келиб кишлоқ врачлик пунктларининг тўлиқ хатлови ўтказилиб, оптимизация қилинган. Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилиб, уларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг тегишли раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида маълумотлар тақдим этишган. Мазкур амалиёт тиббиёт муассасаларининг халқ олдида ҳисобдорлиги тизimini шакллантириш имконини берди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиника негизида моддий-техник базаси мустаҳкам, зарур дастурий таъминотга эга замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланган намунавий тиббиёт муассасасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари топшириғига асосан комиссия аъзолари Жиззах ва Наманган вилоятлари аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолатини ўрганишди. Соғлиқни сақлаш муассасалари иши хусусида маълумотлар бериш йўли билан фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Анжуман давомида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида қилиниши зарур бўлган ишлар кўп экани таъкидланди. Президент Виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларда хануз соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар кўтарилмоқда.

Шунингдек, малакали кадрлар етишмаслиги ҳам долзарблигича қолмоқда. Амалиётда соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати самарали йўлга қўйилмаяпти. Масалан, **Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Хоразм вилоятининг Янгиерик тумани, Сурхондарё вилоятининг Қизилқум тумани** ва бошқа қатор ҳудудларда тегишли тиббиёт муассасалари раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига маълумот тақдим этишда камчиликлар кузатишмоқда.

Комиссия аъзолари қайд этганидек, тиббиёт муассасаларини моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш, дори воситалари билан таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, шунингдек, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш доирасида яна кўплаб ишлар қилиниши лозим.

Белгилаб берилган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда комиссия таркиби янгиланди. Шунингдек, ҳудудий ишчи гуруҳларининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, комиссия тўғрисидаги низоимнинг янги таҳрири, шу билан бирга унинг 2017 йилнинг август-декабрь ойлари учун иш режаси тасдиқланди. Бунда Президентимизнинг тегишли қарор, фармон ва фармойишларида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўрганиш бўйича ишларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кuni бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси мажлисида комиссия фаолиятига оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

Матбуот анжуманида тиббиёт муассасалари фаолиятига оид журналистлар саволларига Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жавоб берилди.

Ўз мухбири.

Ангор, Бойсун, Музработ ва Шеробод туманларидаги депутатларимиз фаолиятида сусткашликлар кўзга ташланаяпти.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



халқимизни

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан қутлайди!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мижозларининг кўп сонли талаб ва истакларини инobatга олган ҳолда, юқори фоизли «Халқ манфаати» омонат турига маблағлар қабул қилиш муддати узайтирилганини маълум қилади.

«ХАЛҚ МАНФААТИ»

- ❖ Омонатни сақлаш муддати — 6, 9, 12 ой.
- ❖ Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 5 000 000 сўм.
- ❖ Омонатга маблағ нақд пул кўринишида қабул қилинади.
- ❖ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисоб варағига кириш қилиш орқали тўланади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ
ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ
МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни (0 371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик
жамияти тизимидаги



«САЛОР ТЕМИР ЙЎЛ МАСОФАСИ»

жамоаси

юртдошларимизни ватанимиз

Мустақиллигининг

26 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди!



Хизматлар лицензияланган.



«ТЕЗИНТОМ»


Ўзбекистон — Германия
қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини

Мустақиллик

айёми билан

муборакбод этади!



Маълумотлар сертификатланган.

Манзилумиз: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси (ТОЭМЗ-1).

Мўлжал: метронинг «Буюк Ипак йўли» бекаму.

Телефонлар: (0-371) 262-42-74; 269-04-37; (+99893) 180-30-05.

Факс: 262-41-05. E-mail: tezintom@rambler.ru

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Бosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838

9236

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:33

Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishiigan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5